

Б ИЛОВА

**ҚУРОЛ САВДОСИ ТЎҒРИСИДАГИ ХАЛҚАРО
ШАРТНОМАНИНГ ЯНГИ ИШТИРОКЧИ ДАВЛАТЛАРИ УЧУН
БОШЛАНҒИЧ ҲУЖЖАТЛАР ТЎПЛАМИ**

ANNEX B

**'WELCOME PACK' FOR NEW STATES PARTIES
TO THE ARMS TRADE TREATY**

Б И Л О В А

ҚУРОЛ САВДОСИ ТЎҒРИСИДАГИ ХАЛҚАРО ШАРТНОМАНИНГ ЯНГИ ИШТИРОКЧИ ДАВЛАТЛАРИ УЧУН БОШЛАНҒИЧ ХУЖЖАТЛАР ТЎПЛАМИ

1. Кириш.....	3
1.1. Бошланғич ҳужжатлар тўплами ким учун мўлжалланган?.....	3
1.2. ҚСТХШ нима?.....	3
1.3. Шартноманинг тузилиши ва кучга кириши.....	3
1.4. ҚСТХШга нечта давлат қўшилган?.....	3
1.5. Шартноманинг микёси қандай?.....	3
1.5.1. ҚСТХШ қайси турдаги қуролларга тааллуқли?	3
1.5.2. ҚСТХШ қайси турдаги қуролларни етказишга тааллуқли?.....	4
2. ҚСТХШ жараёни.....	4
2.1. Иштирокчи давлатлар конференциялари.....	4
2.1.2. Қачон?.....	4
2.1.2. Нима?	4
2.1.3. Ким?	5
2.2. Тайёргарлик кўриш жараёни.....	5
2.2.1. Норасмий тайёргарлик йиғилишлари	5
2.2.2. Навбатдан ташқари йиғилишлар.....	5
2.3. ҚСТХШ органлари.....	5
2.3.1. Конференциянинг мансабдор шахслари	5
2.3.1.1. Раис.....	5
2.3.1.2. Раис ўринсбосарлари	5
2.3.1.3. Конференция котиби.....	6
2.3.2. Ёрдамчи органлар.....	6
2.3.2.1. Бошқарув кўмитаси.....	6
2.3.2.2. Ишчи гуруҳлар.....	6
2.3.2.3. Ихтиёрий бадаллар мақсадли жамғармаси (ИБМЖ) Саралаш кўмитаси.....	7
3. ҚСТХШ бўйича мажбуриятлар.....	7
3.1. Шартнома бўйича қурол етказишни назорат қилиш бўйича мажбуриятлар нимадан иборат?.....	7
3.1.1. Миллий назорат тизими.....	7
3.1.2. Етказиб беришни тартибга солиш.....	7
3.1.2.1. МУАЙЯН ЕТКАЗИБ БЕРИШЛАРНИ ТАҚИҚЛАШ.....	7
3.1.2.2. ЭКСПОРТ	8
3.1.2.3. ИМПОРТ.....	8
3.1.2.4. ТРАНЗИТ ВА ҚАЙТА ЮКЛАШ.....	8
3.1.2.5. ВОСИТАЧИЛИК ФАОЛИЯТИ.....	9
3.1.2.6. ҚУРОЛЛАРНИНГ НОҚОНУНИЙ ҚАЙТА ЙЎНАЛТИРИЛИШИ	9
4. Шартнома бўйича ҳисобот бериш мажбуриялари нималардан иборат?.....	9
4.1. Бошланғич ҳисоботлар	9
4.2. Йиллик ҳисоботлар	9
4.3. Қуролларнингнинг ноқонуний қайта йўналтирилиши тўғрисидаги ҳисоботлар.....	10
5. Шартнома бўйича молиявий мажбуриятлар нималардан иборат?	10
5.1. Иштирокчи давлатлар	10
5.2. Имзолувчи давлатлар ва кузатувчи давлатлар	10
6. ҚСТХШ қоидаларини татбиқ қилишда ёрдам бериш ва қўллаб қувватлаш.....	10
6.1. ҚСТХШ Котибияти.....	10
6.1.1. ҚСТХШ Котибиятининг роли нимадан иборат?	10
6.1.2. ҚСТХШ Котибияти билан қандай боғланиш мумкин?.....	11

6.2. Қандай молиявий ёрдам таклиф қилинмоқда?.....	11
6.2.1. Ихтиёрий бадаллар мақсадли жамғармаси.....	11
6.2.2. Ҳомийлик дастури	11
6.2.3. Қуролланишни тартибга солиш соҳасида ҳамкорликни қўллаб-қувватлашга мўлжалланган БМТ мақсадли жамғармаси.....	11
6.2.4. ЕИнинг ҚСТХШни оммалаштириш лойиҳаси.....	11
6.2.5. Икки томонлама ёрдам.....	12
6.3. Қандай техник ёрдам таклиф қилинмоқда?.....	12

1.

Кириш

1.1. Бошланғич ҳужжатлар тўплами ким учун мўлжалланган?

Бошланғич ҳужжатлар тўплами шартномани универсаллаштириш бўйича ишчи гуруҳ томонидан ишлаб чиқилган. Ушбу тўплам Қурол савдоси тўғрисидаги халқаро шартномага янги кирган иштирокчи давлатларга ёки шартнома мазмунини чуқурроқ тушунишни истаганларга шартнома жараёни ва мажбуриятлари ҳақида умумий ахборот бериш учун мўлжалланган.

1.2. ҚСТХШ нима?

Қурол савдоси тўғрисидаги халқаро шартнома (ҚСТХШ) қурол етказиб беришни назорат қилиш борасида энг қатъий халқаро стандартларни жорий қилиш орқали оддий қуроллар халқаро савдосини тартибга солувчи шартнома бўлиб, оддий қуролларнинг ноқонуний савдоси, шунингдек, уларни ноқонуний қайта йўналтиришнинг олдини олиш ва уларга барҳам беришга қаратилган.

1-моддада кўрсатилганидек, шартноманинг объекти қуйидагилардан иборат:

– оддий қуроллар халқаро савдосини тартибга солиш ёки тартибга солишни такомиллаштириш учун имкон қадар юқори бўлган умумий халқаро стандартларни белгилаш;

оддий қуроллар ноқонуний савдоси, унинг ноқонуний қайта йўналтирилишининг олдини олиш ва унга барҳам бериш;

мақсад:

– халқаро ва минтақавий тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликка ҳисса қўшиш;

– инсон азобланишини камайтириш;

– оддий қуроллар халқаро савдоси соҳасида иштирокчи давлатларнинг ҳамкорлиги, шаффофлиги ва масъулиятлилигини қўллаб-қувватлаш ва бу орқали иштирокчи давлатларнинг бир-бирига бўлган ишончини мустаҳкамлаш.

Мазкур шартноманинг аҳамиятини Пан Ги Мун шундай изоҳлаган эди: "Бу бизнинг глобал қурол савдосидаги масъулият, жавобгарлик ва ошкораликни таъминлаш борасида биргаликдаги ҳаракатларимизнинг янги саҳифаси очилганлигини англатади"¹. ҚСТХШ халқаро ва минтақавий тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, одамларнинг азобланишини камайтириш ҳамда ҳамкорлик, шаффофлик ва масъулиятлиликни ривожлантиришга ҳисса қўшади.

1.3. Шартноманинг тузилиши ва кучга кириши

Шартнома 2013 йил 2 апрелда БМТ Бош Ассамблеясининг резолюцияси билан қабул қилинган ва 2014 йил 24 декабрдан кучга кирган. Шу тарика оддий қуроллар етказиб беришни тартибга солувчи биринчи глобал, ҳуқуқий жиҳатдан мажбурий бўлган шартномага айланди.

1.4. ҚСТХШга нечта давлат қўшилган?

Ушбу босқичда 100 дан ортиқ давлат шартноманинг иштирокчи давлатига айланган. Қолган давлатлар эса уни имзолаган бўлса ҳам, ратификация қилмаган.

ҚСТХШга қўшилишнинг ҳолати тўғрисидаги энг сўнгги маълумотлар, жумладан, минтақа миқёсидаги қисқача шарҳ қуйидаги веб-сайтда келтирилган:

¹Бош котибининг 2014 йил 23 декабрдаги "Қурол савдоси тўғрисидаги халқаро шартноманинг кучга кириши тўғрисида"ги баёноти.

<https://www.thearmstradetreaty.org/treaty-status.html?templateId=209883>

1.5 ҚСТХШнинг миқёси қандай?

ҚСТХШ муайян тоифадаги қуролнинг муайян шаклда етказилишини тартибга солади.

1.5.1. ҚСТХШ қандай турдаги қуролларга тааллуқли?

ҚСТХШ оддий қуролларнинг қуйидаги тоифалардаги халқаро савдосини тартибга солади (2(1)-моддага қаранг):

- 1) жанговар танклар;
- 2) жанговар зирҳли

машиналар;

- 3) йирик калибмли артиллерия тизимлари;
- 4) жанговар самолётлар;
- 5) жанговар вертолётлар;
- 6) ҳарбий кемалар;
- 7) ракеталар ва ракетани ишга тушириш қурилмалари;
- 8) кичик турдаги қурол ва енгил қуроллар.

ҚСТХШ юқорида келтирилган оддий қуроллар ёрдамида отиладиган ёки ишга тушириладиган ўқ-дорилар экспортга, шунингдек, юқорида санаб ўтилган оддий қуролларни йиғишга имкон берувчи шаклда экспорт қилинадиган қисмлар ва компонентларга ҳам тааллуқлидир (3 ва 4-моддаларга қаранг).

1.5.2. ҚСТХШ қайси турдаги қуролларни етказишга тааллуқли?

ҚСТХШ қуйидаги турдаги битимларни тартибга солади (2(2)-моддага қаранг):

- экспорт;
- импорт;
- транзит ва қайта юклаш;
- воситачилик фаолияти.

Шартнома иштирокчи давлат томонидан ёки унинг номидан ўзи фойдаланиши учун амалга ошириладиган халқаро оддий қуроллар ҳаракатланишига, агар қурол иштирокчи давлат эгалигида қолса, тааллуқли бўлмайди (2(3)-моддага қаранг).

Бундан ташқари, ҚСТХШ "давлатларнинг ўзларини муҳофаза қилиш ва тинчликпарвар операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини татбиқ қилиш учун оддий қурол сотиб олиш бўйича қонуний манфаатларини" тан олади (ҚСТХШ тамойиллари, 7-параграф).

2. ҚСТХШ жараёни

2.1. Иштирокчи давлатлар конференциялари

2.1.2. Қачон?

Шартноманинг 17(1)-моддасига биноан, кейинги конференцияни ўтказиш муддатлари тўғрисидаги қарор тўғридан-тўғри иштирокчи давлатларнинг ҳозир бўлиб ўтаётган конференцияси давомида қабул қилиниши мумкин. Амалда эса регламентга биноан, агар олдинги конференцияда бошқача қарор қабул қилинмаган бўлса, конференцияни ҳар йили ўтказиш лозимлиги кўзда тутилган (Регламентнинг 11-қоидасига қаранг).

ҚСТХШ иштирокчи давлатларининг конференциялари қуйидаги муддатларда ўтказилган:

1. ҚСТХШ Иштирокчи давлатларининг 1-конференцияси (1-ИДК): Канкун, Мексика, 2015 йил 24-27 август.

2. ҚСТХШ Иштирокчи давлатларининг 2-конференцияси (2-ИДК): Женева, Швейцария, 2016 йил 22-26 август.

3. ҚСТХШ Иштирокчи давлатларининг 3-конференцияси (3-ИДК): Женева, Швейцария, 2017 йил 11-15 сентябрь.

4. ҚСТХШ Иштирокчи давлатларининг 4-конференцияси (4-ИДК) Токио, Япония, 2018 йил 20-24 август.

5. ҚСТХШ Иштирокчи давлатларининг 5-конференцияси (5-ИДК): Женева, Швейцария, 2019 йил 26-30 август.

2.1.2. Нима?

Иштирокчи давлатлар ҳар бир конференциясининг мақсадлари куйидагилардан иборат:

а) ушбу шартноманинг бажарилиши, шу жумладан, оддий қуроллар соҳасидаги ўзгаришларни кузатиб бориш;

б) ушбу шартноманинг ижро этилиши ва амал қилиши, хусусан, уни универсаллаштиришни тарғиб қилиш бўйича тавсияларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

с) ушбу шартномага киритиладиган ўзгартиришларни 20-моддага мувофиқ кўриб чиқиш;

д) ушбу шартномани талқин қилиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш;

е) котибият вазифалари ва бюджетини кўриб чиқиш ва улар бўйича қарорлар қабул қилиш;

ф) ушбу шартноманинг амал қилишини такомиллаштириш учун зарур бўлган ҳар қандай ёрдамчи органларни ташкил қилиш масаласини кўриб чиқиш;

г) ушбу шартномага мувофиқ бўлган ҳар қандай бошқа вазифаларни бажариш (17(4)-моддага қаранг).

2.1.3.

Ким?

Регламент шуни назарда тутадик, агар конференцияда иштирокчи давлатнинг талабига биноан бошқача қарор қабул қилинмаса, конференциянинг ялпи мажлислари очик режимда ўтказилади (Регламентнинг 13-қоидасига қаранг). Шунга асосан, иштирокчи давлатлар, имзолловчи давлатлар, кузатувчи давлатлар (шартномага на иштирокчи, на имзолловчи бўлган давлатлар), шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, унинг ихтисослаштирилган агентликлари, халқаро ва минтақавий ҳукуматлараро ташкилотлар, фуқаролик жамияти ташкилотлари, шу жумладан, нодавлат ташкилотлар (НТ) ва саноат вакиллари, агар бошқача қарор қабул қилинмаса, иштирокчи давлатларнинг конференцияларида қатнашишлари мумкин (Регламентнинг 1-5-қоидаларига қаранг).

Бироқ фақат иштирокчи давлатларгина Конференциянинг тўлақонли иштирокчиси бўлишлари мумкин (яъни фақат иштирокчи давлатлар қарор қабул қилиш ва зарур бўлганда қарорлар бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга). Имзолловчи давлатлар Конференцияларда қатнашишлари мумкин, аммо улар қарорларни қабул қилишда қатнаша олмайдилар. Кузатувчи давлатлар ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, халқаро ва минтақавий ташкилотлар, фуқаролик жамияти ташкилотлари ва саноат вакиллари Конференцияда кузатувчи сифатида иштирок этишлари, ялпи мажлисларда маъруза қилишлари, расмий ҳужжатларни олишлари ва ўз фикрларини конференцияга ёзма равишда тақдим этишлари мумкин.

2.2. Тайёргарлик кўриш жараёни

2.2.1. Норасмий тайёргарлик йиғилишлари

Иштирокчи давлатларнинг ҳар бир конференцияси оралиғидаги сессиялараро даврда бўлажак конференцияга тайёргарлик кўриш учун ҚСТХШнинг Женевадаги Котибияти жойлашган бинода норасмий тайёргарлик йиғилишлари ўтказилади.

Тайёргарлик йиғилишларининг сони ва давомийлиги белгиланмайди, лекин одатда иштирокчи давлатларнинг ҳар бир конференцияси олдидан ҳар бири бир кундан давом этадиган иккита норасмий тайёргарлик йиғилиши ўтказилади. Тайёргарлик йиғилишлари одатда ҚСТХШ ишчи гуруҳларининг йиғилишларига мослаб белгиланади (2.3.2.2-бўлимга қаранг). Тайёргарлик йиғилишлари очиқ ўтказилади.

2.2.2. Навбатдан ташқари йиғилишлар

17(5)-моддага биноан, конференциянинг наватдан ташқари йиғилиши, агар иштирокчи давлатлардан бири бундай йиғилиш ўтказилишини талаб қилса ва иштирокчи давлатларнинг учдан икки қисми бу таклифни қўллаб-қувватласа, конференциялар оралиғидаги сессиялараро даврда чақирилиши мумкин. Навбатдан ташқари йиғилишлар, агар бошқача қарор қабул қилинмаса, Женевадаги Котибият жойлашган жойда ўтказилади (Регламентнинг 14-қоидасига қаранг).

2.3. ҚСТХШ

органлари

2.3.1. Конференциянинг мансабдор шахслари

2.3.1.1. Раис

Қурол савдоси тўғрисидаги халқаро шартномага (ҚСТХШ) иштирокчи бўлган давлатлар ҳар йили Иштирокчи давлатлар конференциясида (ИДК) Раисни сайлайдилар. Раис кейинги йил давомида, шу жумладан, бўлажак конференцияга тайёргарлик кўриш даврида ИДКга раислик қилади.

Қуйидаги шахслар ИДК Раиси бўлиб ишлаганлар:

- 1-ИДК: Элчи Хорхе Ломонако, Мексика
- 2-ИДК: Элчи Эммануэль Э. Имохе, Нигерия
- 3-ИДК: Элчи Клаус Корхонен, Финляндия
- 4-ИДК: Элчи Нобусигэ Такамитзава, Япония
- 5-ИДК: Элчи Янис Карклиньш, Латвия

2.3.1.2. Раис ўринбосарлари

Регламентнинг 9-қоидасига биноан, ҚСТХШга иштирокчи бўлган давлатлар конференциясининг ҳар бир сессиясида кейинги сессия учун иштирокчи давлатлар вакиллари орасидан раис ва тўртта ўринбосар сайланади.

Норасмий равишда "Президиум" деб аталадиган Раис ва тўрт нафар раис ёрдамчиларининг ваколат муддатлари улар сайланган конференция якунланган ондан бошланиб, конференциянинг кейинги наватдаги сессияси охиридауларнинг давомчилари сайланганидан кейин якунига етади. Раис (ўринбосарлар иштирокида) конференциянинг ўз ваколат муддати давомида ўтказиладиган барча наватдан ташқари йиғилишларига раислик қилади.

2.3.1.3. Конференция

котиби

Регламентнинг 10-қоидасига биноан, ҚСТХШ Котибиятининг раҳбари конференция котиби ҳисобланади, конференция ва унинг ёрдамчи органларининг барча сессияларида ушбу вазифани бажаради. Котибиятнинг вазифаларига наватдаги ва наватдан ташқари сессиялар билан боғлиқ барча зарур ташкилий ишларни бажариш ва, одатда, шартноманинг 18-моддаси 3(d)-бандига мувофиқ, конференцияни ўтказиш билан боғлиқ бошқа ишлар қиради.

ҚСТХШ Котибиятининг бошқа вазифа ва функциялари 6.1.1.-бўлимда тавсифланган.

2.3.2. Ёрдамчи органлар

Регламентнинг 42-қоидасида Иштирокчи давлатлар конференцияси Шартноманинг 17(4)-моддасига мувофиқ ёрдамчи органларни ташкил қилиши мумкинлиги кўзда тутилган. Конференцияда шартномага мувофиқ ташкил этилган ёрдамчи орган томонидан кўриб чиқиладиган масалалар шакллантирилади, унинг ваколатлари, мансабдор шахслари, таркиби, ҳажми, муддати ва бюджети белгиланади.

Қуйидагилар бугунги кунда ҚСТХШнинг ёрдамчи органлари ҳисобланади:

– Бошқарув қўмитаси

– Учта ишчи гуруҳ:

о Шартномани самарали амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳ

о Шаффофлик ва ҳисобот бериш бўйича ишчи гуруҳ

о Шартномани универсаллаштириш бўйича ишчи гуруҳ

– ИБМЖ Саралаш қўмитаси

Ҳар бир органнинг вазифа ва функциялари қуйида тавсифланган.

2.3.2.1 Бошқарув

қўмитаси

ҚСТХШ иштирокчи давлатларининг биринчи конференциясида шартноманинг 17(4)-моддаси ва Регламентнинг 42-қоидасига биноан ёрдамчи орган ҳисобланадиган Бошқарув қўмитаси ташкил этилди. Бошқарув қўмитасининг вазифаси ҚСТХШ Котибияти фаолиятининг энг юқори даражада ҳисобдорлиги, самарадорлиги ва шаффофлигини таъминлаш учун Котибият иши билан боғлиқ молиявий ва бошқа масалаларни назорат қилишдан иборат.

Бошқарув қўмитаси таркибига Иштирокчи давлатлар конференцияси Раиси ва БМТнинг ҳар бир минтақавий гуруҳи томонидан тайинланган иштирокчи давлатларнинг биттадан вакили киради. ҚСТХШ Котибияти вакили мажлисларда қатнашади. Зарур бўлганда имзолоччи давлатларнинг вакиллари конференция томонидан Бошқарув қўмитасининг мажлисларида кузатувчи сифатида иштирок этиш учун таклиф қилиниши мумкин.

Бошқарув қўмитаси аъзолари (ҚСТХШ Раиси ва Котибияти вакиллари билан ташқари) ўз вазифаларини яна бир муддатга узайтириш ҳуқуқи билан икки йил давомида бажарадилар.

Бошқарув қўмитасининг фаолияти Бошқарув қўмитасининг ваколатлари доирасида тартибга солинади.

2.3.2.2. Ишчи гуруҳлар

Қуйидаги ишчи гуруҳлар 2016 йилда 2-ИДК томонидан тузилган ва уларга 3-ИДКнинг қарори билан 2017 йилда доимий ишчи гуруҳ мақоми берилган:

Шартномани самарали амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳ (ШСАОБИГ)

Шаффофлик ва ҳисобот бериш бўйича ишчи гуруҳ (ШХББИГ)

Шартномани универсаллаштириш бўйича ишчи гуруҳ (ШУБИГ)

Ҳар бир ишчи гуруҳнинг раиси ёки ҳамраиси конференция раиси томонидан тайинланади. Ҳар бир ишчи гуруҳ учун ваколатлар доирасига мувофиқ қуйидаги мақсадлар белгиланган: ШСАОБИГ: маълумот алмашиш ва шартномани миллий миқёсда амалий жиҳатдан амалга ошириш муаммоларини ҳал қилиш; ШХББИГ: Иштирокчи давлатлар конференциясида белгиланган гуруҳ номига мувофиқ соҳадаги умумий вазифаларни бажариш (яъни шартноманинг шаффофлигини ва ҳисобот бериш бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш); ШУБИГ: Шартномани универсаллаштириш бўйича фикрларни тўплаш ва чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

Ўртача ҳисобда, ишчи гуруҳлар ҳар йили иштирокчи давлатларнинг ҳар бир

конференциясига тайёргарлик кўриш бўйича норасмий йиғилишлар билан бир қаторда умумий давомийлиги уч кун бўлган иккитадан йиғилиш ўтказадилар (2.2.1-бўлимга қаранг). Ҳар бир ишчи гуруҳ иштирокчи давлатларнинг барча конференцияларида ўз ишининг қандай амалга оширилаётгани тўғрисида ҳисобот беради.

2.3.2.3. Ихтиёрий бадаллар мақсадли жамғармаси (ИБМЖ) Саралаш қўмитаси

ҚСТХШ иштирокчи давлатларининг Иккинчи конференциясида шартноманинг 17(4)-моддаси ва регламентнинг 42-қоидасига мувофиқ ёрдамчи орган сифатида ИБМЖ Саралаш қўмитаси ташкил этилди. Унинг мақсади этиб Ихтиёрий бадаллар мақсадли жамғармасини бошқариш устидан назорат қилиш, жумладан, ҳар йили ўтказиладиган танлов натижалари бўйича лойиҳавий буюртмалар учун маблағ тақсимлаш устидан назорат қилиш белгиланди (6.2.1-бўлимига қаранг).

Саралаш қўмитаси икки йилдан бери ўз вазифаларини бажараётган (кейинги муддатга янгилаш ҳуқуқи билан) сони 15 кишидан кўп бўлмаган аъзолардан иборат. ИБМЖ Саралаш қўмитаси фаолияти ИБМЖ ваколатлари доираси билан белгиланади. ИБМЖ Саралаш қўмитаси ўз аъзоларидан бирини раис этиб тайинлайди. ИБМЖ Саралаш қўмитасининг Раиси қўмита ишининг қандай амалга оширилаётгани тўғрисида иштирокчи давлатларнинг ҳар бир конференциясига ҳисобот беради.

3. ҚСТХШ бўйича мажбуриятлар

3.1. Шартнома бўйича қурол етказишни назорат қилиш бўйича мажбуриятлар нимадан иборат?

3.1.1. Миллий назорат тизими

Шартноманинг 5-моддасига биноан, иштирокчи давлатларнинг асосий мажбуриятларидан бири оддий қуроллар, ўқ-дорилар/қурол-аслаҳалар, уларнинг қисмлари ва компонентларининг экспорти, импорти, транзити ва қайта ортилиши, шунингдек, бу билан боғлиқ воситачилик фаолиятини тартибга солувчи миллий назорат тизимини яратиш ва ундан фойдаланиш ҳисобланади.

Ҳар бир иштирокчи давлат ўз миллий назорат тизими доирасида назорат тизими билан тартибга солинадиган қурол ва товарларнинг миллий назорат рўйхатини ишлаб чиқиши ва ундан фойдаланиши шарт. Назорат рўйхати етказиб берилиши давлат томонидан тартибга солинадиган ва назорат қилинадиган қуроллар, ўқ-дорилар/қурол-аслаҳалар, уларнинг қисмлари, компонентлари ва бошқа товарлардан иборат. Иштирокчи давлатлар ўз миллий назорат рўйхатлари нусхаларини ҚСТХШ Котибиятига йўллайдилар. Котибият, ўз навбатида, бу рўйхатларни бошқа иштирокчи давлатлар ўртасида тарқатади. Миллий назорат рўйхатларини очик фойдаланишга қўйиш ҳам тавсия қилинади.

Бундан ташқари, ҳар бир иштирокчи давлатдан самарали ва шаффоф миллий назорат тизимини яратиш учун бир ёки бир нечта ваколатли миллий органларни, шартномани амалга ошириш билан боғлиқ масалалар бўйича алоқа ва маълумот алмашишни таъминлаш учун бир ёки бир нечта миллий алоқа марказларини ташкил этиш қилинади.

ҚСТХШнинг Шартномани самарали амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳи томонидан *Миллий назорат тизимини яратиш бўйича ихтиёрий базавий қўлланма* ишлаб чиқилган бўлиб, унда миллий назорат тизимини шартнома талабларига мувофиқ ташкил этиш бўйича батафсил тавсиялар келтирилган.

5-модда қоидаларини бажаришда иштирокчи давлатлар томонидан фойдаланишга тавсия қилинган маълумот берувчи ҳужжатлар рўйхати деб номланган Раиснинг 4-ИДКга тақдим қилган маърузаси лойиҳасига А илова

(ATT/CSP4.WGETI/2018/CHAIR/355/Conf.Rep) иштирокчи давлатлар учун тавсия қилинган ахборот манбаларини ўз ичига олган бўлиб, иштирокчи давлатлар ундан 5-модда қоидаларини амалга оширишда фойдаланишлари мумкин.

3.1.2 Етказиб беришни тартибга солиш

3.1.2.1. МУАЙЯН ЕТКАЗИБ БЕРИШЛАРНИ ТАҚИҚЛАШ

Шартноманинг 2 (2)-моддасига биноан, "етказиш" атамаси экспорт, импорт, транзит, қайта юклаш ва воситачилик операцияларини назарда тутди.

Шартноманинг 6-моддасига биноан, иштирокчи давлатларга қуйидаги ҳолларда қурол, тегишли ўқ-дорилар/қурол-аслаҳалар, шунингдек, уларнинг қисмлари ва компонентларини етказишга рухсат бериш тақиқланади:

– бундай етказиб бериш БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан БМТ Низомининг VII бобига асосан киритган қурол эмбарголларини бузса;

– бундай етказиб бериш давлатнинг ўзи иштирокчи бўлган битимлар бўйича тегишли халқаро мажбуриятларни бузса;

– иштирокчи давлат рухсат бериш тўғрисида қарор қабул қилаётган пайтда қурол ва товарлар геноцид, инсониятга қарши жиноятлар ёки муайян ҳарбий жиноятларни амалга ошириш учун фойдаланилиши тўғрисида ишончли маълумотга эга бўлса.

Агар етказиб бериш 6-моддага зид бўлмаса, ҳар бир иштирокчи давлат, қуйида баён қилинганидек, етказиб бериш шартноманинг бошқа қоидаларига мувофиқ тартибга солинишини таъминлаши шарт.

6(1)-модда қоидаларини амалга ошириш учун тавсия ва ёрдамларнинг потенциал унсурлари деб номланган Раиснинг 4-ИДКга тақдим қилган маъруза лойиҳасига Е илова (ATT/CSP4.WGETI/2018/CHAIR/355/Conf.Rep) иштирокчи давлатларга 6(1)-модда қоидаларини амалга оширишда манба бўлиб хизмат қилади.

3.1.2.2. ЭКСПОРТ

7-моддага биноан, агар етказиб бериш оддий қурол, тегишли ўқ-дорилар/қурол-аслаҳалар ёки уларнинг қисмлари ва компонентлари экспортини ўз ичига олса, экспортчи давлатдан экспорт қилинаётган қурол ёки товарлар тинчлик ва хавфсизликка қай даражада ҳисса қўшишини ёки путур етказишини, шунингдек, улардан қуйидаги ҳаракатларни амалга оширишда фойдаланиш эҳтимолини баҳолаш талаб қилинади:

– халқаро гуманитар ҳуқуқнинг қўпол тарзда бузилиши;

– инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳуқуқнинг қўпол тарзда бузилиши;

– терроризм бўйича халқаро битимларга биноан жиноят ҳисобланувчи ҳаракатлар;

– трансмиллий уюшган жиноятчилик бўйича халқаро битимларга биноан жиноят ҳисобланувчи ҳаракатлар.

Экспорт қилувчи — иштирокчи давлат ишончни мустаҳкамлаш чоралари ёки экспорт қилувчи ва импорт қилувчи давлатлар томонидан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ва мувофиқлаштирилган дастурлар каби хавф-хатарларни камайтириш учун кўрилиши мумкин бўлган чоралар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини аниқлаши шарт.

Агар баҳолаш натижаларига биноан, 7(1)-моддада кўрсатилган салбий оқибатлардан исталган бирини келтириб чиқарувчи "катта эҳтимолли хавф-хатар" мавжудлиги аниқланса, экспорт қилувчи давлат экспортга рухсат беришни рад қилиши шарт.

Шунингдек, экспорт қилувчи давлат оддий қурооллар, тегишли ўқ-дори/қуроол-аслаҳа, қисмлар ва компонентлар жиддий гендер зўравонлик ҳаракатлари ёки аёллар ва болаларга нисбатан зўравонлик ҳаракатларини (7(4)-модда) амалга ошириш ёки амалга оширишга кўмаклашишда қўлланилиш эҳтимоли билан боғлиқ хавф-хатарни ҳам эътиборга олиши ҳамда экспорт қилинаётган қуроолларнинг ноқонуний қайта йўналтирилиши билан боғлиқ хавф-хатарни инобатга олиши лозим (11-модда).

Иштирокчи давлатларнинг хавф-хатарларни 7-моддага мувофиқ баҳолашда фойдаланиши учун тавсия этилган маълумотлар рўйхати деб номланган Раиснинг 4-ИДКга тақдим қилган маъруза лойиҳасига В илова (АТТ/CSP4.WGETI/2018/CHAIR/355/Conf.Rep) иштирокчи давлатларга 7-модда қоидаларини амалга оширишда манба бўлиб хизмат қилади.

3.1.2.3. ИМПОРТ

6-модда билан тақиқланган (юқоридаги 3.1.2.1-бўлимга қаранг) оддий қурооллар, тегишли ўқ-дори/қуроол-аслаҳалар ёки уларнинг қисмлари ёки компонентларининг баъзи импортдан ташқари ҳар бир иштирокчи давлат – импортчи "зарур бўлганда оддий қурооллар импортини ўз ваколатлари доирасида тартибга солиш имконини берувчи чораларни ҳам кўриши" шарт.

Агар ҚСТХШ миллий назорат тизими доирасида импортни тартибга солиш бўйича қандай чоралар кўрилиши лозимлигига аниқлик киритмаса, бу чоралар ўз ичига тегишли органдан қуроол импорт қилиш учун лицензия ёки рухсатнома ва/ёки якуний фойдаланувчи сертификати ва етказиб берилганликни тасдиқлаш сертификатини олиш талабини ўз ичига олиши мумкин.

Шунингдек, шартномада импорт қилувчи давлатлар экспорт қилувчи давлат амалга ошириши мумкин бўлган хавф-хатарни баҳолаш ишлари доирасида маълумот тақдим этиш талаб қилинса, экспорт қилувчи давлатга маълумот тақдим этиш бўйича чоралар кўриши шартлиги ва бундай чоралар якуний фойдаланиш ёки якуний фойдаланувчи тўғрисидаги ҳужжатларини тақдим этишни ўз ичига олиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

3.1.2.4. ТРАНЗИТ ВА ҚАЙТА ЮКЛАШ

6-моддада баён қилинган вазиятларда тақиқланган (юқоридаги 3.1.2.1-бўлимга қаранг) оддий қурооллар, тегишли ўқ-дори/қуроол-аслаҳалар ёки уларнинг қисмлари ёки компонентларининг транзити ва қайта юкланишидан ташқари 9-модда иштирокчи давлатлардан "зарур ва мақбул бўлганда" оддий қурооллар транзити ва қайта юкланишини ўз ваколатлари доирасида "тегишли халқаро ҳуқуққа мувофиқ" тартибга солиш бўйича керакли чораларни кўришни талаб қилади.

Агар ҚСТХШ миллий назорат тизими доирасида транзит ва қайта юклашни тартибга солиш бўйича қандай чоралар кўрилиши лозимлигига аниқлик киритмаса, бу чоралар ўз ичига тегишли органдан қуроолни транзит қилиш ёки қайта юклаш учун лицензия ёки рухсатнома олиш талаби ва/ёки транспорт компанияларидан транзит давлатга унинг ҳудуди орқали амалга ошириладиган қуроол транзити ҳақида хабарнома йўллаш талабини ўз ичига олиши мумкин.

3.1.2.5. ВОСИТАЧИЛИК ФАОЛИЯТИ

6-моддада баён қилинган вазиятларда тақиқланган (юқоридаги 3.1.2.1-бўлимга қаранг) оддий қурооллар, тегишли ўқ-дори/қуроол-аслаҳалар ёки уларнинг қисмлари ёки компонентларига нисбатан воситачилик фаолиятидан ташқари, 10-модда иштирокчи давлатлардан ўз юрисдикцияси остида оддий қуроолларга нисбатан амалга ошириладиган воситачилик фаолиятини тартибга солиш бўйича "ўз қонунчилигига

мувофик чоралар кўриш"ни талаб қилади. Шартномада бундай чоралар воситачилардан воситачилик фаолиятини амалга оширишдан олдин рўйхатдан ўтиш ва рухсатнома олиш талабини ичига олишини назарда тутади.

3.1.2.6. ҚУРОЛЛАРНИНГ НОҚОНУНИЙ ҚАЙТА ЙЎНАЛТИРИЛИШИ

ҚСТХШнинг 11-моддаси оддий қуролларнинг ноқонуний қайта йўналтирилишининг олдини олиш, унга қарши курашиш ва бу соҳада хабардорликни оширишга қаратилган қатор мажбуриятларни ўз ичига олади. Иштирокчи давлатлар — экспорт қилувчилар экспортнинг ноқонуний қайта йўналиб кетиш хавф-хатарини баҳолашлари ва бундай хавф-хатарлар оқибатларини юмшатиш бўйича чоралар ишлаб чиқиш масаласини кўриб чиқишлари шарт. Бундай чоралар ўз ичига ишончни мустаҳкамлаш чоралари ёки экспорт қилувчи ва импорт қилувчи давлатлар томонидан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ва мувофиқлаштирилган дастурларни ичига олиши мумкин.

Бундан ташқари, 11-моддага биноан, қурол етказиш жараёнига жалб қилинган ҳар бир иштирокчи давлат зиммасига етказиб берилаётган қуролларнинг ноқонуний қайта йўналтирилишининг олдини олиш ва бундай ҳолатларга қарши курашиш мажбурияти юклатилган. ҚСТХШ иштирокчи давлатлардан ўк-дорилар/қурол-аслаҳалар ёки уларнинг қисмлари ва компонентларининг ноқонуний қайта йўналтирилишининг олдини олишни ва унга қарши курашишни талаб қилмайди, аммо иштирокчи давлатлар бундай чораларни ўз ихтиёри билан қўллаши мумкин.

Қурол етказиш жараёнига жалб қилинган давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик ва маълумот алмашиш ушбу қонуннинг энг муҳим қисми ҳисобланади ҳамда давлатлар ҳар доим ҳам оддий қуролларнинг қайта йўналтирилишига қарши самарали курашишга қодир эмасликларини таъкидлайди.

4. Шартнома бўйича ҳисобот бериш мажбуриятлари нималардан иборат?

4.1. Бошланғич ҳисоботлар

ҚСТХШнинг 13-моддасига биноан, иштирокчи давлатлардан ҚСТХШ Котибиятига бошланғич ҳисоботни тақдим қилиш талаб қилинади. Ушбу ҳисобот давлат томонидан шартномани амалга ошириш учун қўлланилган чоралар, "жумладан, миллий қонунлар, миллий назорат рўйхатлари ва бошқа меъерий ҳужжатлар ва маъмурий чоралар"ни ўз ичига олиши лозим. Шунингдек, улардан шартномани амалга ошириш учун қўлланилган ҳар қандай янги чора ҳақида ҳам ҳисобот бериш талаб қилинади.

Ҳар бир иштирокчи давлат ўзининг бошланғич ҳисоботини "шартнома ушбу иштирокчи давлат учун кучга кирган биринчи йил мобайнида" тақдим этиши шарт. Шунга биноан, иштирокчи давлатнинг ўз бошланғич ҳисоботини топшириш муддати ушбу иштирокчи учун шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўн икки ойни ташкил этади².

Иштирокчи давлатларнинг бошланғич ҳисоботларни топшириш жараёнини соддалаштириш мақсадида махсус намуна ишлаб чиқилган бўлиб, у ҳисоботларни ҚСТХШ Котибиятига онлайн тақдим этиш имкониятини беради.

4.2. Йиллик ҳисоботлар

ҚСТХШнинг 13(3)-моддасига биноан, ҳар бир иштирокчи давлат ҚСТХШ

² Шартномани 2014 йил 24 декабрдан кейин ратификация қилган, қабул қилган, маъқуллаган ёки унга қўшилган давлат учун Шартнома ратификация, қабул қилганлик, маъқуллаганлик ва унга қўшилганлик тўғрисидаги гувоҳнома 22-модлага мувофиқ сақлаш учун топширилган санадан бошлаб тўксон кун ичида кучга киради. Бошланғич ҳисоботни топшириш муддати ушбу санадан бошлаб ўн икки ойни ташкил қилади.

Котибиятига 2(1)-моддада назарда тутилган оддий қуроолларнинг олдинги календарь йили давомида (1 январдан 31 декабргача) амалга оширилган рухсат берилган ёки ҳақиқий экспорти ва импорти тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган йиллик ҳисоботни тақдим қилишлари шарт.

Йиллик ҳисоботлар ҚСТХШ Котибиятига ҳар йили 31 майгача топширилиши шарт. Масалан, 2018 йил 1 январдан 31 декабргача амалга оширилган қурул экспорти ва импорти тўғрисидаги йиллик ҳисоботларни топшириш муддати 2019 йил 31 майда тугайди.

Иштирокчи давлатларнинг йиллик ҳисоботларни топшириш жараёнини соддалаштириш мақсадида махсус намуна ишлаб чиқилган ва у ҳисоботларни ҚСТХШ Котибиятига онлайн тақдим этиш имконини беради.

4.3. Қуроолларнинг ноқонуний қайта йўналтирилиши тўғрисидаги ҳисоботлар

11(6)- ва 13(2)-моддаларга биноан, иштирокчи давлатларга қуроолларнинг ноқонуний қайта йўналтирилишига қарши курашиш бўйича кўрилаётган чоралар тўғрисида маълумот бериш тавсия этилади. Ҳозирга қадар қуроолларнинг ноқонуний қайта йўналтирилишига қарши кўрилаётган чоралар тўғрисида маълумот тақдим қилишнинг расмий механизми ишлаб чиқилмаганлиги (масалан, бундай ҳисоботларнинг намуналари мавжуд эмас) сабабли иштирокчи давлатларга қуроолларнинг ноқонуний қайта йўналтирилиши тўғрисидаги ҳисоботларни ўзлари истаган форматда тақдим қилиш, шунингдек, ҚСТХШ веб-сайтидаги ахборот алмашиш порталидан қуроолларнинг ноқонуний қайта йўналтирилиши борасида ахборот ва тажриба алмашиш учун фойдаланиш имкони берилади.

5. Шартнома бўйича молиявий мажбуриятлар нималардан иборат?

5.1. Иштирокчи давлатлар

Иштирокчи давлатлар қуйидаги икки турдаги ҳисобланган бадални тўлайдилар:

1. *ИДК ва у томонидан ташкил этилиши мумкин бўлган исталган ёрдамчи органнинг фаолиятини молиялаштиришга мўлжалланган бадаллар*: барча иштирокчи давлатлар учун, уларнинг иштирокчи давлатлар йиғилишлари ва конференцияларига қатнашиш ёки қатнашмасликларидан қатъи назар, ҳар бир конференция ёки конференция томонидан ташкил этилиши мумкин бўлган исталган ёрдамчи органнинг фаолиятини, жумладан, конференция ёки, зарурат туғилганда, ёрдамчи органнинг йиғилишларига тайёргарлик кўриш ёки уларни ўтказишни молиялаштиришга мўлжалланган бадаллар ҳисобланади (ҚСТХШ молиявий қоидаларининг 5.1-қоидасига қаранг).

2. *Котибиятни молиялаштиришга мўлжалланган бадаллар*: ҳар календарь йили иштирокчи давлатлар ҚСТХШ Котибиятининг асосий функцияларини амалга ошириш харажатлари, шу жумладан, ходимларга иш ҳақи тўлаш, жиҳозлар сотиб олиш, қўшимча офис харажатлари, молиявий бошқарув, ходимларни бошқариш, суғурта, алоқа ва АТ харажатлари, шунингдек, Котибият фаолияти билан боғлиқ ҳар қандай харажатларни қоплаш учун Конференция қарорларига мувофиқ бадаллар тўлайдилар (ҚСТХШ молиявий қоидаларининг 6.3-қоидасига қаранг).

5.2. Имзоловчи давлатлар ва кузатувчи давлатлар

Иштирокчи давлатларнинг исталган конференциясида ёки исталган ёрдамчи органнинг йиғилишига ташриф буюрувчи имзоловчи давлатлар ва бошқа кузатувчи давлатлар Конференция ёки ёрдамчи орган йиғилишини тайёрлаш ва ўтказиш харажатларини қоплаш учун қатнашиш бадалини тўлайдилар.

Конференцияни ўтказиш бўйича тахминий харажатларни қоплаш учун

бериладиган ҳисоб-фактуралар ўтган йили конференцияда қатнашган барча имзолувчи давлатлар ва бошқа кузатувчи давлатлар кейинги конференцияга ҳам қатнашади деган эҳтимол асосида ҳисобланади.

6. ҚСТХШ қоидаларини татбиқ қилишда ёрдам ва қўллаб қувватлаш

6.1. ҚСТХШ Котибияти

6.1.1. ҚСТХШ Котибиятининг роли нимадан иборат?

ҚСТХШ Котибияти Шартномани самарали амалга оширишда иштирокчи давлатларни қўллаб-қувватлаш ва уларга ёрдам бериш учун шартноманинг 18-моддасига мувофиқ ташкил этилган.

ҚСТХШ Котибияти шартномада назарда тутилган ҳисобот жараёнини бошқаради; миллий алоқа марказлари маълумотлар омборини юритади; шартномани амалга оширишда ёрдам кўрсатиш бўйича таклифлар ва сўровлар учун мувофиқлаштириш маркази бўлиб хизмат қилади; ИДК ишига ёрдамлашади; ИДКнинг қарорига кўра бошқа вазифаларни бажаради. ИДК ишига ёрдамлашиш ҳар бир ИДКга тайёргарлик кўришда ИДК Раиси, унинг ўринбосарлари, бошқарув қўмитаси ҳамда ИДК томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳлар ҳамраислари ишини қўллаб-қувватлашни ичига олади.

Шартноманинг 18(3)-моддасида назарда тутилган доимий вазифаларини бажаришдан ташқари, ҚСТХШ Котибияти Ихтиёрий бадаллар мақсадли жамғармасини бошқаради ва бунда у ИБМЖ Саралаш қўмитасининг қўллаб-қувватлаши (2.3.2.3 ва 6.2.1-бўлимларга қаранг), шунингдек, ҚСТХШ ҳомийлик дастурига таянади.

6.1.2. ҚСТХШ Котибияти билан қандай боғланиш мумкин?

Манзил: 7bis avenue de la Paix, ЖМТ (Жаҳон метеорология ташкилоти) биноси, 2-кават, 1211 Женева

Телефон: +41 (0)22 715 04 20

Электрон почта: info@thearmstradetreaty.org

Вебсайт: www.thearmstradetreaty.org

6.2. Қандай молиявий ёрдам таклиф қилинмоқда?

6.2.1. Ихтиёрий бадаллар мақсадли жамғармаси

Қурол савдоси тўғрисидаги халқаро шартноманинг (ҚСТХШ) 16(3)-моддаси Шартноманинг миллий даражада бажарилишини қўллаб-қувватлаш учун Ихтиёрий бадаллар мақсадли жамғармасини (ИБМЖ) ташкил этишни кўзда тутди ва барча иштирокчи давлатларни ушбу фондга ҳисса қўшишга чақиради.

ИБМЖ расман 2016 йил август ойида Иштирокчи давлатларнинг иккинчи конференциясида ташкил этилган ва тасдиқланган ваколат доирасида фаолият юритади. Жамғарма ҚСТХШни амалга ошириш бўйича лойиҳаларни бажариш учун ваколат доирасида ва Маъмурий қоидаларга мувофиқ маблағ ажратади.

ИБМЖни бошқариш ИБМЖ Саралаш қўмитасининг ёрдами билан ҚСТХШ Котибияти томонидан амалга оширилади (2.3.2.3-бўлимга қаранг). Ҳар йили Жамғарма давлатларга ҚСТХШни амалга ошириш лойиҳалари учун 100 000 АҚШ долларигача бўлган грантларни олиш имконини берадиган лойиҳа талабномалари танловини эълон қилади. Аризалар фақат иштирокчи давлатлар томонидан йўлланиши мумкин.

Қўшимча маълумотлар қуйидаги веб-сайтда келтирилган:
<https://www.thearmstradetreaty.org/voluntary.html>

6.2.2. Ҳомийлик дастури

ҚСТХШ Котибияти давлатларнинг ҚСТХШ йиғилишларига қатнашишини енгиллаштиришга қаратилган ҳомийлик дастурини бошқаради. Дастурнинг асосий мақсади мунозараларнинг репрезентатив ва кенг камровлилигини кафолатлашда ҚСТХШ йиғилишларининг камрови ва миқёсини имкон қадар ошириш, бу орқали Шартномани амалга ошириш ва универсаллаштиришга ёрдам беришдан иборат. ҚСТХШ Котибияти ҚСТХШнинг ҳар бир йиғилишидан олдин ҳомийлик дастурида иштирок этиш бўйича аризаларни қабул қилиш бошланганлигини эълон қилади. Ҳар бир йиғилиш учун ҳомийлик маблағлари ажратилиши назарда тутилган бўлиб, маълумот ҚСТХШ жўнатмалар рўйхатидаги барча шахслар ўртасида тарқатилади ва ҚСТХШ веб-сайтида эълон қилинади.

6.2.3. Қуролланишни тартибга солиш соҳасида ҳамкорликни қўллаб-қувватлашга доир БМТ мақсадли жамғармаси

БМТнинг қуролланишни тартибга солиш соҳасида ҳамкорликни қўллаб-қувватлашга мўлжалланган мақсадли жамғармаси (БМТ МЖ) мослашувчан, кўп томонли жамғарма бўлиб, қуролланишни тартибга солиш бўйича тегишли халқаро ҳужжатлар, шу жумладан, ҚСТХШни ратификация қилиш/қўшилиш ва амалга оширишни қўллаб-қувватлайди.

БМТ МЖ ҳар йили БМТ ҳамкорлари, халқаро/минтақавий ташкилотлар, нодавлат ташкилотлар ва илмий-тадқиқот институтлари ўртасида талабномалар (таклифлар билан иштирок этишга ундаш) танловини ўтказиши. Жамғармадан маблағ олишни хоҳлаган ҳукумат мезонларга мос келувчи мурожаатчи билан ҳамкорлик қилиши лозим.

Қўшимча маълумотлар куйидаги веб-сайтда келтирилган:

<https://www.un.org/disarmament/unscar/>

6.2.4. ЕИнинг ҚСТХШни оммалаштириш лойиҳаси

Европа Иттифоқи ҚСТХШни оммалаштириш бўйича ўз лойиҳасини ишга тушириб (EU ATT Outreach Project), ушбу мақсадлар учун ҚСТХШни амалга оширишни қўллаб-қувватлашга маблағ ажратди. Ушбу лойиҳа куйидаги ташаббусларни ўз ичига олади:

– мақсадли ёрдамни миллий миқёсда амалга ошириш бўйича бир қатор устувор вазифаларни ҳал қилишга мўлжалланган узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантирувчи мақсадли миллий ёрдам дастурлари;

– индивидуал ёрдам сўровларига мослашувчан ва тезкор жавоб беришга мўлжалланган махсус тадбирлар;

– илғор тажрибалар билан ўртоқлашиш, фуқаролик жамияти ташкилотлари вакиллари жалб қилиш ва минтақавий ҳамкорликни қўллаб-қувватлашга мўлжалланган платформани яратишга доир минтақавий семинарлар;

– ёрдам лойиҳа маъмуриятига тўғридан-тўғри сўров юборган давлатларнинг талабига биноан кўрсатилади. Батафсил маълумот куйидаги вебманзилда келтирилган: <https://export-control.jrc.ec.europa.eu/projects/Arms-Trade-Treaty>

6.2.5. Икки томонлама ёрдам

Кўплаб донор мамлакатлар ҚСТХШни амалга оширишда икки томонлама асосда молиявий ва техник ёрдам таклиф қилади. Бундай ёрдам олишдан манфаатдор давлатлар бевосита донор мамлакатларга мурожаат этишлари лозим.

6.3. Қандай техник ёрдам таклиф қилинади?

Давлатлар Шартномани амалга оширишнинг техник жиҳатлари бўйича ёрдам олиш учун шартноманинг бошқа иштирокчи давлатларига мурожаат қилишлари

мумкин. Шунингдек, бир қатор халқаро ва минтақавий ташкилотлар, БМТ агентликлари, фуқаролик жамияти ташкилотлари ва илмий-тадқиқот марказлари мавжуд бўлиб, улар ҚСТХШни амалга оширишда иштирок этадилар ва турли техник масалаларда ўз ёрдамларини таклиф қилишга тайёр. Бу борада ҚСТХШ Котибияти тегишли тавсияларни тақдим қилиши мумкин.

Бундан ташқари, ҚСТХШ ишчи гуруҳлари, шунингдек, халқаро ташкилотлар, фуқаролик жамияти ташкилотлари ва илмий-тадқиқот марказлари томонидан кўплаб амалий қўлланмалар, тадқиқот материаллари ҳамда шартномани амалга ошириш бўйича техник маълумот ва йўриқномаларни ўз ичига олган бошқа воситалар ишлаб чиқилган.

[*Backcover*
er]

Шартномани амалга ошириш, шунингдек, ресурслар, воситалар ва раҳбарий тамойиллар бўйича қўшимча маълумотларни ҚСТХШ вебсайти (<https://www.thearmstradetreaty.org/>) ёки ҚСТХШ Котибиятидан (info@thearmstradetreaty.org) олиш мумкин.

*
*
*